



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

8 июль, ПАЙШАНБА № 131 (626).
1993 йил.
Сотувда эркин нархда.

МЕҲНАТ АҲЛИ МАНФААТЛАРИ- ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Тошкентда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси йиллик мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари республикада ишловат ўтказиш шартларида меҳнатчиларнинг иқтисодий-маданий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида касаба уюшмаларининг фаолиятини такомиллаштириш йўллари муҳокама қилинди. Республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Б. Алламуродов маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиблар асосий эътиборни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касаба уюшмаларининг меҳнатчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир вазифаларини ва имкониятларини қаратди. Ўзбекистон Республикасининг Президентини И. Каримов республика Вазирлар Маҳкамаси, иқтисодий таъминот ва меҳнат вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва тармоқ касаба уюшмаларининг вакиллари билан кенгашида бу муаммоларни аниқ қўриқиб ўтганлиги таъкидланди.

Республика иқтисодий таъминотда янги босқич — турбозуғайришлар даври бошланган. Касаба уюшмалари меҳнатчиларнинг иқтисодий ҳимоя қилиш соҳасида касаба уюшмаларининг аҳамиятини ошириш билан бир вақтда меҳнатчиларни юқори унум билан ишлашга сафарбар этиш ҳам жуда муҳимлигини мажлис қатнашчилари таъкидлаб ўтишди.

Ҳар қандай соҳада ишлаётган одам қанчалик бадароғи меҳнат қилса яхшироқ яшайсин, жонажон республикамиз тагин ҳам бадавлат ва кудратли бўлишини ҳам яхши англаб олиш керак.

Касаба уюшмалари кенгаши муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентига Мурожаатнома қабул этилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Бш вазирининг ўринбосари М. Қорабобоев сўзга чиқди. Мажлисда Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Мурзоев қатнашди.

Таъкид қилинди. Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши халқаро бўлимининг мулкери бўлиб ишлаган З. Қодиров Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раисининг ўринбосари этиб сайланди.

(ЎзА).

Ўзбекистон ва жаҳон

ЕВРОАЭРОБУС САФАРГА ЧИҚДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси экипажи бошқарган евроаэробус — «А-310» ҳаво кемаси Тошкентдан Лондонга мўтавақ қатнай бошлади. Экипажга компания бош директорининг биринчи ўринбосари Арслон Рўзиматов бошчилик қилмоқда. Собиқ Иттифок заводаларида ишлаб чиқарилаётган барча турдаги самолётлар қаторига эндиликда замонавий тохтинининг сифат жиҳатидан янги тур киришди.

Бизнинг экипажимиз билан биргаликда Германия «Люфтганза» авиакомпаниясининг мутахассислари ҳам учиб кетдилар. Улар машқ учушларида қатнашадилар. Тулуза шаҳрида Европа консорциуми ишлаб чиқараётган «А-310» ҳаво кемаси бутун жаҳонга танилган. Бу олисга уза оладиган, моторлари жуда тежамли бўлган, ишончли ва қулай машинадир. Экипажни ва самолётга ерда хизмат қилувчи мутахассисларни тайёрлаш учун маълум вақт кетган. «Люфтганза»нинг Франкфуртдаги машқ марказида қийин имтиҳонлардан «аъло» баҳо билан ўтдилар.

Ҳозир евроаэробус машқ сифатида парвоз қилмоқда, бу парвозларда йўловчиларга хизмат қилинмоқда. Тажрибали немис инструкторлари кузатувида олти экипаж ва 48 нафар ҳаво кемаси хизматчиси тайёрланди, — деди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» учинчи мажмуининг директори Абдулла Арабобоев. — Бу ҳаво кемаси Лондон — Тошкент — Деҳли орасида қатнай бошлайди. Бир кеча кундузда камда 14 соат ишлайди. Бу жаҳон андозаларига мос келади. Айни бир вақтда ерда хизмат қилувчи мутахассислар — муҳандислар, авиатехниклар жадал тайёргарлик кўришмоқда. Хуллас, яқин орада

бу машинада мустақил ишлаб бошлаймиз. Немис инструкторларининг гапларига қараганда, мутахассисларининг тайёрлаш жараёни муваффақиятли ўтмоқда. Тайёргарлик сифатида ҳамда учувчиларимиз ва ердаги хизмат қилувчиларимиз билан янги савиясига уларнинг эътирозлари йўқ. Германиялик мутахассислар ўзбек экипажлари билан биргаликда камда 20 марта учушлари шарт. Жуда қиммат турадиган ҳаво кемасидан нима учун ҳозирча фақат бир маршрутдан фойдаланилмоқда, деган савол туғилди.

Бунинг тушуниш қийин эмас. Бу йўлда йўловчи ҳам, юк ҳам кўп ташилади. Чунки, Хиндистон пойтахтидан Лондонга энг қисқа ҳаво йўли Тошкент орқали ўтади. Шундай қилиб, Ўзбекистон миллий авиакомпанияси раисини туширилган самолётлар Осие билан Европани бirlаштирувчи ишончли воситага айланди. Ушбу хабар тайёрланаётган пайтда Тулуза шаҳридан «А-310» евроаэробуслари йилиш марказидан киничини ҳаво кемаси ҳам Тошкентга жўнатиш учун тайёрлаб қўйилгани ҳақида хабар келди. У ҳам иқолийнинг охирида Ўзбекистон пойтахтини жаҳоннинг катта шаҳарлари билан боғлайдиган халқаро ҳаво йўлига чиқади. (ЎзА мухбири).

Мустақилликнинг икки йиллиги олдиған

СОҲИБҚИРОННИНГ ҲАЙКАЛИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Утган кун Тошкентда Мустақиллик байрамини ишончли равишда таъйин қилиш бўйича республика ташкилий комитетининг йиғилишида ҳайкалтарош Яков Шепиро (у.Ш. Рашидов, М. Турғунбоев ҳамда қатор таниқли кишиларнинг сиймоларини тошга кўчирган) Темур ҳайкалининг лойиҳасини намойиш этди.

Соҳибқирон отда ўтирибди. Унг қўлида — туғ, белда қилич. «Мен, — деди ҳайкалтарош, — қаҳрамонининг ички дунёсини акс эттиришга уриндим. У қандай чиққани эса сизларга ҳавола».

Мажлис раиси, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков тўплаган, аниқроғи байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий комитетининг аъзоларига Темур ҳайкали лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришни сўради. Ва очини, муҳокама ниятида қизғин ўтди. Унда, айниқса, шоир Жамол Камол кўпгина танқидий гаплар айтди. «Ҳаммамиз яхши биланмики, — деди у, — Темур бобомиз дунёга машҳур саркардагина эмас, балки улкан давлат арбоби, аллома, доно инсон бўлган. Унинг юзидан доимо ички бир нур таралиб турган. Ҳайкалтарошимиз бўлса уни қиёфаси вақоатли бир жангари одамга айлантириб қўйибди».

Бобокалонимизнинг интиҳи ниятида ўтириб бўлиб, кўзлари тўкини чақнаб турган. Ҳайкалтарош эса унинг ушбу хислатини ҳам яратолмабди: учинчилан, бошдаги дубулгаси оддийгина чиққан. Амир Темур дунёдаги энг кудратли салтанатлардан бирининг подшоҳи бўлган эдику...»

Езувчи Одиал Ёқубов, расом Раҳим Аҳмедов, кинорежиссер Малик Қасимовлар ҳам қимматли мулоҳазалар билдиришди.

Ушбу кескин муҳокама йиғини ахлига кўтаринки кайфият бағишлади. Шу пайт ногаҳон Мирза Кенжабобоев сўз сўради. Сермулоҳазашоиримиз янги фикр айтас керак, дея интиқлиқ билан кута бошладик. Аммо... Унинг гаплари ёзда ёққан қорға ўхшаб кетди. У дедик, умуман нима кераги бор ҳайкаллар ўрнатишининг, жумладан, Темурга ҳам. Чунки эмишчи,

ҳайкаллар ҳеч қачон маънавийатининг бийитмаган ва бундан буён ҳам бийитмайди: эмишчи, ҳайкаллар шўролардан қолган уду. Мана, — давом этди сўзини шоир, — Куйбишевга, Фрунзег

бойитгани йўқ. бойитолмасди ҳам. Чунки улар мустамлакачилик, тоталитар режимга қўйилган ёдгорликлар бўлиб, эзилган халқимизнинг руҳини тагинда топташга қаратилган эди.

Аммо «ҳайкалтарошлик шўролардан қолган уду», дея, ушбу санъатини инкор қилиб бўладимики? Унда шerryнати ҳам инкор қилиш керак, сабаби советлар дав

ри Сурхондарёю Самарқанддан топишган ноёб ҳайкалу ҳайкалчалар бунга гувоҳдир.

Энди яна Темур масаласига қайтсак, мустамлакачилик пайтида у ҳақда ҳатто илқ гап ҳам айтиш мумкинмасди. Бутун дунё тан олган, истеъдоди ҳақида фахр билан гапирадиган бу улуг бобокалонимизни гўрида тинч ётгани ҳам қўйишмовди. Аммо қўлимиздан ҳеч иш келмас: осмон узоқ, ер эса қаттиқ эди. Укинчинининг ичга ютар, армонларини олиқлаб юраве-рардик. Хорижда бўлса унга ҳатто олтиндан ҳайкал ясаган экан...

Мана энди уша эзгу орзуларимиз амалга ошяпти... Темур ҳақида қатор-қатор тарихий китоблар чиқди. унинг тузуқлари чоп этилди. соҳибқирон номи кўча ва майдонларга берилди. Ва ният, Вазирлар Маҳкамаси Тошкентда унга ҳайкал ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу хушхабарни халқимиз жуда катта қувонч билан кўтиб олди.

Ҳайкал собиқ инқилоб ҳиё бонида ўрнатилади (қўн-яқингача бу жойни К. Маркс сиймоси беэаб турарди. Ушбу гўша Амир Темур ҳиё бо-ни (майдон) деб аталади ва ҳайкал атрофида соҳибқирон фаолияти акс эттирилган турли ёдгорликлар бунёд этила-ди ёки ҳозирги тилда айтган-да, бутун бошли тарихий ком-плекс яратилади.

Йиғилиш ахли яна бир бо-бобокалонимиз — Мирзо Улуғ-бек ҳайкали лойиҳасини ҳам муҳокама этишди (муаллифи — А. Раҳматуллаев). Бу ҳар иккала ҳайкал ҳам Ўзе-бекистон Мустақиллигининг икки йиллик байрами арафа-сида, аниқроғи шу йил 31 август кўни очилади. Ва ишончимиз комилки, ушбу ҳайкаллар миллий гурурини мизни иксалтириш, қалби-мизда ватан туғуисини та-гин-да жўш урдирди. бир-лигининг мустақамлашга беқисс хизмат қилади.

Б. БОБОВЕВ.

СУРАТДА: Амир Темур ҳайкалининг лойиҳаси. Тасвирчи — Р. ШАГАЕВ. (ЎзА).



ҳайкал ўрнатиб нима наф қўридик? Кенжабобоевга, хўш, бирор ногоҳон Мирза Кенжабобоев сўз сўради. Сермулоҳазашоиримиз янги фикр айтас керак, дея интиқлиқ билан кута бошладик. Аммо... Унинг гаплари ёзда ёққан қорға ўхшаб кетди. У дедик, умуман нима кераги бор ҳайкаллар ўрнатишининг, жумладан, Темурга ҳам. Чунки эмишчи,

Тўғри, Фрунзе, Куйбишев, Калинин. Ленин ҳайкаллари бизнинг маънавийатимизни

рида шоирларимиз Ленин ва Сталинни, Фрунзе ва Куйбишевни, партияни бетиним кўқларга кўтаришганди-ку. Йўқ, бунда на ҳайкалтарошлик санъатининг, на шerryнати йайиб бор. Ва ҳар икковиям «шўролардан қолган уду» эмас, балки қадим-қадимдан мавжуд санъат, айниқса, ҳайкалтарошлик (бундан минг йиллар илга-

«Халқ сўзи» анкетасига жавоблар

1. Истиқлол эркинги тақдирингизда қандай аҳамият касб этмоқда?
2. Мустақиллигимизни мустақамлашга қўшаётган ҳис-савгидан қўйилганига тўладими?
3. Ўзбекистоннинг келажагини қандай орзу қиласиз?

Эркин ХАЛИЛОВ, Пахтакор шаҳридан, темир йўл хизматчиси:

— Менинг болалигим социализмнинг қизил гоёларига ўраниб ўтиб кетувди. Қарахт бўлиб қолган юрагимиз билан Ватан деган тушунчани «СССРдан нобор улкан мамлакат»да, деб ўйлаб юраверганимиз.

Яқинда фарзандли бўлдим. Унга туғилганлини тўғрисидаги гувоҳнома олдим, кўнглим тоғдек кўтарилди. Мустақил давлатнинг ҳужжатини кўриб, истиқлолнинг қадрини яна бир қарра ҳис қилдим. — Мен оддий ишчиман, аниқроғи темир йўл назоратчиси. Илгарилари «ҳа шу поездлар ўтиб қайтиб турибди-да, авариya бўлмаса бўлди-да», деб ўйлардим. Энди мустақил давлатимизга ҳам кўмагим кераклигини

тушуниб турибман. Темир йўлларимиздаги ишларимиз тартибли ва қонқилиб бўлса, мамлакатимизга хизматимиз ана шуларда ўз ифодасини топади:

— Сизсатдан анча узоқ одамман. Лекин эркинлик нимагининг жуда яхши тушуниб турибман. Диндорлар эркин бўлишди. Чет элга чиқиб келишга ҳам эркинлик берилди... Умуман озодлик, мустақиллик ҳаётимизда янада равшанроқ намоён бўлмоқда. Ҳали шундай кунлар келадикки, Ўзбекистон Корея, Япония, Франция каби давлатлардек ривожланган, бой давлатга айланади. Худо соғлиқни берса, бу кунлар яқин йилларда келадик...

Абдуалим ХУЖАМОВ, Самарқанд вилоят Лош қасабасидан, жарроҳ:

— Ёнз авалларин дўстлар билан ўтирганимизда пахта-миз, олтину қоракўлнимиз каби қўллаб бойликларимиз сув текинга ташиб кетилаётганини ҳақида ўзаро алам билан суҳбатлашардик. Эндилкида наинки иқтисод, балки биз учун энг асосий эркинлик бўлган сиёсий озодлигимиз ҳақида гурур билан гап-лашиб қоламиз. Мустақиллик бизнинг кўнглиларимизни тўлдирди. Сиёсий эркинлигимиз боис одамларда сиёсий онг ўйғониб, ўзликни англашдек тўйгу мужассам бўлмоқда. Ватанпарварлик юракларда асл моҳияти билан балқиб турибди.

Касбим тақозоси билан жуда кўп турфа тақдир ва қис-матларга дуч келаман. Семорлар баъзан ўз жароҳатини, иқтисодий қийинчиликларини унутиб «сиёсатшўнос» бўлиб кетишади. Шукроналик руҳида мустақиллигимизни, озод бўлганимизни тўққинлини гапириб қолишади. Озодлик — бундан ор-тқ фахр борми дунёда. Ме-

нинг тақдирим мустақил мамлакат фуқароларининг тақдир билан чамбарчас боғлиқ. Ҳамма қабил мен ҳам шу озод давлатнинг эркин фуқароси бўлдим.

— Бундан уч-тўрт йил муқаддам таниш-билишларга «Ўзбекистон мустақил бўлиши керак!» деган мазмунда ўз мулоҳазаларини айтиб юрардим. Мана энди давлатимиз раҳбарлари амалга ошираётган одилона сиёсатини дилдан қўллаб-қувватлаб, дўстларимга, сиёсатга қизиққан беморларга ватанимизнинг бугун ва истиқболдан доимо гурурланиб гапирма...

Мен тиббиёт ходими-ман, шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг келажagini бар-камол ворисларимизсиз та-савуру қилолмайман. Орау-рин келгуси авлод ҳар томон-лама соғлом на етук бўлиб улағисин. Ушанда мамла-катиимиз янада обод, турмуши-миз фаровон бўлади. Бу бо-рада давлатимиз раҳбарлари томонидан гоётда эзгу, узоқ-ин қўллаб илк қадамлар таш-ланмоқда. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис эти-лиши фикримга далил бўла-олади...



ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари қабар қиладилар

ХАЛҚ ҲУНАРМАНДИЛИГИ

ТИКЛАНЯПТИ

«АФГОН — Бухоро — Самарқанд»

қўшма корхонаси хавридориги афгон гилами тўқишга киришди.

БУНИНГ учун «Хужум» пиллакашлик фабрикасининг бўш турган биноларидан бири мослаштириб жиҳозланди. Хом ашё фабрикадан чиқади. Корхона муассисларидан бири, машҳур гиламчилик ширкати бошлиғи ҳожи Муҳаммад Аваз, ҳатто, корхона чиқиндисини бўлган сифатсиз ипакларни ҳам гиламга иш-латапти.

Янги корхона халқ амалий ҳунармандчили-гини тиклаш ва хотин-қизларни ишли қилиш муаммоларини ҳал этишда қўл келади.

АНДИЖОНЛИКЛАР УЧУН ТОЗА СУВ

ХОНОБОД — Андижон сув қуву-ри қўрилишининг муҳим қисми бў-лиши

Кампирравот тозаловчи нишо-оти барпо этиб бўлиди.

СУВ қувурининг биринчи навбати шу йил ишга тушиб, сув омборининг об-ҳаёти Кампирравот тозаловчидан ўтиб, андижон-ликларнинг уйларига келади.

БУЛОҚБОШИДА ҒИШТ СЕРОБ

БҮЛАДИ

РАИШ-ҲАҚАН адирларида ғишт ишлаб чиқариш учун хом ашё сероб.

ИШБИЛАРМОН киши бундай имкониятни қўлдан бой бермайди. Булоқбоши туманидаги уйдабурон кишилар бу ерда ғишт заводи ку-ришди. Корхона йилига 5 миллион дона ғишт гайерлаб, тевақат-атрофдаги иштиқомандлар-нинг ҳожатини чиқаради.

ҲЕЧ КИМ ҚУЛФАТДА ҚОЛМАЙДИ

ҚИЗИЛ хоч ва Қизил ярм ой из-мийатлари халқаро федерацияси Ўз-бекистон Қизил ярм ой жамияти қошида ашблар захирасини та-м-лаш тадбирини кўрмоқда.

БУ АШБЛАР табиий офатлардан зарар кўрганларга моддий ёрдам беришда асқота-ди. Шу мақсадларда Ўзбекистон Қизил ярм ой жамияти номига ҳодирлар ва пул маблағла-ри юборилади.

ЛИЦЕЙДА АЪЛОЧИЛАР ҲИШАДИ

САРИОСИЕ туманидаги 16-кишлоқ

ҳўнар-тезисна билим юртида ўрмон ва сув тўқилиш қўрилиши мутахас-сислиги кадрлари тайёрланади.

ЛИЦЕЙГА кириш имтиҳонларини фақат «аъло», «яхши» баҳоларга топширган 200 дан зиёд талаба қабул қилинади. Уларни ки-нинг-бош ва ётоқхона билан давлатнинг ўзи таъминлайди. Лицейни имтиёзли туғатанлар Тошкент ва Термез дорилфунунларида ўқи-ларли мумкин.

МАКТАБДА БОЛАЛАР

ИЖОДИЕТИ МАРКАЗИ

БУХОРО шаҳридаги 4-мактабда очилган бу марказда ёшги таълим даври учун ўқувчилар лагери ташкил этилди.

БОЛАЛАР четдан таклиф этилган мутахас-сислар раҳбарлигида турли тўғрақларда шу-гулланб, ўз қўллари билан турли буюмлар исатиши ўрганиди. Улар лагерда бепул ишлайди — вилот касаба уюшмалари ке-нгани сарф-ҳаражатларини ўз зиммасига олди.

ЯНГИЛИКЛАР

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ МАКТУБЛАРИДАН

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ!

Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея ўртасидаги келишувга асосан Асака шахрида автомобил ишлаб чиқарувчи завод қурилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти ғояларининг амалга ошаётганидан далолатдир. Автомобилсозлик саноатнинг кўплаб соҳаларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Жаҳондаги 200 дан ортиқ давлатнинг фақатгина 25 таси автомобил ишлаб чиқараётганлиги заводнинг Республика учун қанчалик муҳимлини кўрсатиб турибди. Асакадаги автомобил заводи - бу Мустақил Ўзбекистоннинг амалий одимларидан биридир.

"Ўздэуавто" кўшма корхонасининг маъмурияти Ўзбекистон шарафини улуғловчи, саноатнинг янги соҳасини яратиш ишига ўзида куч ва билимни ҳис қилган барчага янги автозаводни таништиради.



ЎЗ - ДЭУ АВТО

Ўзбекистон
Тошкентбўе кўчаси, 258
Асака ш.
Ўзбекистон
Тел: 2-38-80, 5-47-04

Корея
23, Сондждонг, Чхангвон ш., Корея
Факс: (0551) 62-1209
Тел: (0551) 69-1234, 69-1389

UZ - DAEWOO MOTORS CO

Uzbekistan
258, Tashkenbaev street,
Asaka
Uzbekistan Republic
Telephone: 2-38-80, 5-47-04

Korea
C.P.O. Box 67 Changwon, Korea
23, Sungju-dong, Changwon-city,
Korea
Fax: (0551) 62-1209
Tel: (0551) 69-1234 Direct (0551) 69-1389

"Ўздэуавто" кўшма корхонасидаги ишнинг афзалликлари:

1. Иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси машинасозлик комплексидаги ўртача иш ҳақидан 2-3 баравар кўп бўлади.
2. Жадвалга мувофиқ 1993 йилнинг августидан 1995 йилнинг июлигача 1000 дан ортиқ киши Кореяда иш ўрганиб келади. Булар директорлар, бошқарувчилар, муҳандислар, ходимлар ва ишчилардир.

Танлов учун ҳужжатлар 1993 йилнинг 15 июлигача топширилади.

Ҳужжатларнинг номи ва уларни қабул қиладиган манзиллар:

1. Қадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақ.
2. Таржимони ҳол.
3. Диплом нусхаси (ўқиш довридаги баҳолардан кўчирма билан).
4. Меҳнат доғдорчасидан нуска.
5. 5х6 ҳажмидаги 2 доно фотосурат.
6. Тиббий маълумотнома.

Тошкент шаҳрида:

Тошкент шаҳри, Намойишлар ҳибони, 2,
"Сельхозмаш" концерни, 317-хона.
Маълумотлар учун телефон:
39-17-90 Д.Юнусов

Асака шаҳрида:

Асака шаҳри, Тошкентбўе кўчаси,
258, "Ўздэуавто" кўшма корхонаси
(принцеп заводи).
Маълумотлар учун талаффи:
(37436) 2-38-80 Н.Шияпов



Ҳанзола этилган ҳужжатлар танлов ҳайъати томонидан 1993 йилнинг 20 июлигача кўриб чиқилади.

Суҳбатга киритиладиганларнинг рўйхати 1993 йил 21 июль кунни заводда эълон қилинади.

Қуйидаги лавозимларга ҳужжат топширган номзодлар билан суҳбат ўтказиш тартиби:

1. Тошкент шаҳрида ҳужжат топширганлар билан 29.07.93 й. Асака ш., прицеплар заводи.
2. Директорлар ва бошқарувчилар билан: 26.07.93 й, соат 9.00, Асака ш., прицеплар заводи
3. Муҳандислар билан: 27-28.07.93 й. соат 8.00, Асака ш., прицеплар заводи
4. Бошқа мутахассислар билан 30. 07. 93 йил соат 9.00, Асака шаҳри, прицеплар заводи.

Танловнинг натижалари комиссия иши якунлангандан 10 кун кейин иш-шарифлари кўрсатилган ҳолда эълон қилинади.

"Ўздэуавто" кўшма корхонаси маъмурияти

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

ТЕЛЕФОНЛАР:

маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирғал БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирнамал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Леа ПАК (бош муҳаррир ўринбасари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлақмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯХЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОВЕВ, Сандахтор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А.
Бойқўзиёв, навбатчи — М.
Ҳолматов.